

**"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятининг 2024 йил  
1-ярим йиллик якуни бўйича бизнес-режасини бажарилиши ҳамда жамиятда  
олиб борилган ишлар бўйича жамият бошқаруви раисининг  
Х И С О Б О Т И.**

**Ассалому алайкум ҳурматли Кузтаув Кенгаши аъзолари**

**ва йиғилишимиз қатнашчилари!**

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти 2024 йил 1-ярим йиллик якуни бўйича бизнес-режа бўйича **94 млрд. 727 млн. 548 минг** сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда **81 млрд. 896 млн. 184 минг** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бизнес режага нисбатан **86,5** фоизга бажарилди.

Жумладан, Озуқали этил спирти ишлаб чиқариш 2024 йил 1-ярим йиллик якуни бўйича бизнес-режа бўйича **540,0 минг** далл белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **476,1** минг даллга бажарилди ёки бизнес режага нисбатан **88,2** фоиз миқдорида ишлаб чиқарилди.

Жамият 1-ярим йилик давомида спирт ишлаб чиқариш бўйича қувватлардан фойдаланиш коэффиценти **49,2** фоизни ташкил этди.

2024 йил 1-ярим йиллик якуни бўйича бизнес режада **1 млрд. 820 млн. 663 минг** сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда **6 млрд. 224 млн. 160 минг** сўмни ташкил, этиб бизнес режага нисбатан **3,4** баробарга бажарилган.

2024 йил 1 июль ҳолатига, жамиятнинг тайёр маҳсулот омборида **169,61** минг дал ёки **28 млрд. 327 млн. 242 минг** сўмлик тайёр маҳсулот қолдиғини ташкил этди.

2024 йил 1 июль ҳолатига жамиятнинг Бюджет олдидаги қарздорлик **2 млрд. 993 млн. 100 минг** сўмни, ишчи-хизматчиларга меҳнат ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик **1 млрд. 570 млн. 695 минг** сўмни ташкил этган бўлиб, бу Июль ойлиги жорий йилнинг 15 август тўлиқ ишчи-ходимларга берилди.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тўғрисидаги ЎРҚ-891 сонли Қонуни 289 моддаси 2-қисмига асосан 2024 йилнинг 1 январдан акциз солиғи кўтарилиши натижасида жамиятда ишлаб чиқарилётган маҳсулотнинг қиймати ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Жумладан:

Қонунининг 289 моддаси 2-қисмига асосан 2024 йилнинг 1 январдан яна икки баравар 1 литр учун 14 900 сўм (1 дал учун 149 000 сўм) га кўтарилиши натижасида истемол этил спиртининг нархи 130,5 фоизга ошган.

Бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасига ижобий ҳал қилинида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилинган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 20 феврал кунги 03/41-3-3881-сонли жавоб хати билан, мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинса, ўрнатилган тартибда маълум қилинишини маълум қилган.

Юқоридаги масала тизимдаги Алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонларга сальбий таъсир кўрсатган.

Натижада, сотув режаларини кесин пасайиб кетишига, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар оморда туриб қолишига, айланма маблағларининг танқисчиллигига сабаб бўлмоқда.

Ҳабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 март кунги ПҚ-102-сонли қарорига асосан «Andijon biokimyо zavodi» акциядорлик жамиятининг Устав капиталидаги 76 фоиз давлат улуши оммавий савдолар орқали тўлиқлигича сотилиши белгиланган.

Ушбу жараёнга “Abrau Capital” компанияси хусусийлаштириш бўйича консултант сифатида жалб этилди.

Ўз навбатида, “Abrau Capital” компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигига «Andijon biokimyо zavodi» акциядорлик жамиятининг уств капиталидаги 96,0 фоиз давлат улушини сотиш бўйича таклифини киритган ва агентлик томонидан қабул қилинган.

Натижада, жорий йилнинг июль ойида, «Andijon biokimyо zavodi» акциядорлик жамиятининг Устав капиталидаги 96 фоиз давлат акциялар пакетини, сотиб олиш учун қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берган, келажакда жамият фаолиятини барқарор ривожланишини таъминлай оладиган ва ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ давомийлигини шакллантиришга салоҳиятли бўлган “Jasmin Gold Group” масъулияти чекланган жамияти энг юқори нарх таклифи билан савдо ғолиби деб топилган.

Хусусийлаштириш натижалари Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг тегишли қарори билан маъқулланган.

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти бошқаруви юқорида қайд этилган яъни жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини барқарорлигини таъминлаш бўйича барча чораларни кўрмоқдалар.

**Эътиборларингиз учун раҳмат!**

**"Андижон биокимё заводи" АЖ  
бошқарув раиси Х.Юлдашев**